

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ВА УСЛУБИЯТ



Заир ТОҶИРОВ

филология фанлари номзоди, доцент

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон миллий университети

Аннотация

Сўз туркумлари услубий имкониятга эга. Бундай имкониятдан бадиий нутқда, оддий сўзлашув жараёнида ҳамда бадиий публицистикада кенг фойдаланилади. Мақолада от ва сифат сўз туркумларининг услубий имкониятлари ҳақида сўз боради.

Аннотация

Части речи обладают различными стилистическими возможностями. Эти возможности широко используются в литературной, разговорной речи и публицистике. В данной статье рассматриваются стилистические возможности имён существительных и прилагательных.

Abstract

Parts of speech have different stylistic possibilities. These opportunities are widely used in literary and colloquial speech and journalism. In this article, the stylistic possibilities of the names of nouns and adjectives are considered.

Калит сўзлар: сўз туркумлари, услуб, нутқ, от, сифат.

Ключевые слова: части речи, стиль, речь, имя существительное, имя прилагательное.

Keywords: parts of speech, style, speech, noun, adjective.

Фонетика, лексикология, грамматика тилшунослик фанининг таркибий қисмлари ҳисобланади ва улар тасвирий фанлар деб аталади.

Фонетика нутқ товушларининг ҳосил бўлиши, хусусиятлари ва бошқа жиҳатларини ўрганади. Лексикология тилдаги сўзларни, бошқача айтганда, тилшуносликнинг луғат таркибини ўрганади.

Грамматика сўз шакллари (шакл ясалиши), сўз бирикмалари, гап турлари (тилнинг грамматик кўриниши, ҳақидаги тасвирий фан ҳисобланади. Сўз туркумлари грамматиканинг морфология қисмида ўрганилади. Тилшуносликда сўз туркумлари тасвирий жиҳатдан ўрганилса, услубиётда уларнинг услубий имкониятлари тадқиқ этилади. Маълумки, отлар тилшунослик фанида семантик хусусиятиларига кўра таснифланади. Бир турдаги нарсанинг бирини ёки шу тур умумий номини билдиришига кўра отлар *атоқли* ёхуд *турдош* бўлади.

Матн муаллифларининг турдош ва атоқли отлардан услубий мақсадларда фойдаланиши – ўқувчи эътиборини жалб этишдир.

Турдош отлардан услубий мақсадда фамилия ёки исм сифатида фойдаланилади. Масалан: *Тожи Бўқоқ; Аҳмат Калла; Ҳа, келдингми Қовоқ. Ҳа, Хўроз, ишлар қалай? ...*

Турдош отлар катта ҳарф билан ҳам ёзилади. Бу сўзнинг таъсирчанлигини (салмоғини) оширади ва ўқувчи эътиборини жалб этишга хизмат қилади. Масалан, Ҳар бир шахс, аввало, инсон бўлиши керак, бўлганда ҳам *Инсон* бўлиши керак! Олим бўлиш осон *Одам* бўлиш қийин. Биринчи мисолда катта ҳарф билан ёзилган *Инсон* сўзи комил инсон маъно ифодасини беради. Иккинчи мисолдаги *Одам* сўзини катта ҳарфда ёзиш билан олим фақат илмий жиҳатдангина эмас, балки маънавий, ахлоқий жиҳатдан ҳам мукамал бўлиши кераклиги таъкид этилади.

Атоқли отлардан, айниқса, киши исмларидан ҳам услубий фойдаланиш мумкин. Бунда киши исми кесатиқни юзага чиқаради.

Мулла *Мирашир* – қилмишига ярашир. Ушбу кесатиқ исми бошқа бўлган ҳар қандай шахс(хоҳ эркак, хоҳ аёл)га қаратилиши мумкин. Бунда шахснинг ўз исми қолиб, унинг ўрнида *ярашир* сўзига қофоядош атоқли от *Мирашир* қўлланган. Албатта, атоқли исмдан услубий мақсадда фойдаланиш субъектнинг объектга муносабатини юзага чиқаради ва бу муносабат икки кутбли – ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда атоқли от – исм сўз ўйинига сабаб бўлади. Масалан: *Тўйга бир ўзинг келдингми? Йўқ, Кўчқорри етаклаб келдим.*

Атоқли исмга тенглашган лақаб, тахаллуслар, кўпинча, бадий асарларда учрайди. Чунки улар таъсирчанликни ҳам ифодалайди. Масалан, Абдулла Қодирий хажвияларидан бирининг бош қаҳрамони *Тошпўлат тажангни* лақабисиз айтиш мумкин эмас. Аслини олганда, бошқалар орасида ҳамкасабларидан, улфатларидан ўз ташқи кўриниши, табиати, хулқи, кўпчилик ичида ўзини тутиши билан ажралиб турмайдиганлар кам учрайди.

Оддий сўзлашув нутқида нарсанинг ўз номи қолиб, нарсалар учун умумий бўлган ном услубий қўлланади. Масалан: *Шу ҳам матоҳ бўлдим, эшикнинг терисига ҳам ўтмайди(матоҳ – пичоқ).* Ўсимлик турининг номи шахс номи сифатида келади. *Ким-ким-у, лекин бу гап Мирза Теракка ёқмаса керак (мирза терак – теракнинг бир тури).*

Топонимлардан ҳам услубий мақсадда фойдаланилади. Масалан: *Мард бўсанг Эски жўвада хангра* (Мақол). *Эски жўва* – одам гавжум жой маъно ифодасини беради.

Нарсанинг тарихийлиги ёки ўта эски, ҳеч нимага арзимаса-да, камёблигини таъкидлаш мақсадида тарихий исмдан услубий фойдаланилади. *Даққи Юнусдан қолган (Даққи Юнус – ривойий ҳукмдор).*

Ясама отлардан ҳам услубий фойдаланилади. Услубий қўллаш ҳам оддий сўзлашувда, ҳам адабий нутқда учрайди.

Ҳозирда архаиклашган –*чи* ясовчи қўшимча ёрдамида ясалган, керосин сотиш билан шуғулланувчи шахсни билдирувчи *керосинчи* сўзи *шахс оти* сифатида ясалган. Ундан услубий мақсадда исм сифатида фойдаланилади. *Красинчи келмадимми?* Бунда шахс оти сифатида ясалган сўз турли баҳс, мунозара, хатто, жанжалларни янада кучайтириши учун керак бўлса, бўлмаса қўшилувчи шахс исми сифатида қўлланади. –*чи* от ясовчи қўшимчаси ёрдамида маъноси мавҳум сўздан ҳам от ясалади, ундан оддий сўзлашувда услубий қўлланади. *Фалончи, тистончи деб, индамай кетавериш керакми?*

От туркумида бир гуруҳ сўзлар борки, улардан оддий сўзлашувда, бадий нутқда кўплик қўшимчаси –лар қўшиш билан услубий мақсадда фойдаланилади. Масалан, *бош* сўзи, одатда, бирликда қўлланади, лекин услуб талабига кўра унга –лар қўшимчаси қўшиш билан *ҳолат* кучайтирилади. *Бошим оғриб кетди – Бошларим оғриб кетди.* Кейингисида ифода кучайтирилган. –лар қўшимчаси мавҳум отларга қўшилиб келади ва асосдан англашилган туйғунинг меъёрдан ортиқлигини ифода этади: *азоб – азоблар; севинч – севинчлар.*

От туркумидаги сўзлар услуб талабига кўра оддий сўзлашувда, бадий нутқда бошқа туркум вазифасини бажаради. *Олтин хотира; кумуш фасл; асал қиз, тўнка раҳбар.* Юқоридаги бирикмалар таркибида отлар сифат туркумига кўчган.

Демак, отлардан услубий фойдаланиш мумкинлиги от туркуми услубий имкониятга эга эканлигини кўрсатади.

Сўз туркумларидан сифат ҳам услубий имкониятга эга. Шундай сифатлар борки, улар ҳам генетик (доимий), ҳам кўчма (вақтинча) маъноларда қўлланади. Булар, одатда, гапда сифат вазифасини бажариб келади, аммо, мантиқан бир-биридан фарқланади. Масалан: *У тугма чўлоқ. Қачон иш буюрсанг, у чўлоқ.* Биринчи жумлада *чўлоқ* – доимий, иккинчи жумлада – вақтинча. Услубга кўра биринчиси – бетараф. Иккинчисининг маъно ифодасида кесатик, пичинг сезилади.

Баҳолаш маъно ифодасига кўра ҳам сифатлар услубийлик касб этиши мумкин.

Унинг турқи совуқроқ. Унинг турқи совуқ. Ҳар икки жумлада ҳам баҳолаш сезилади. Лекин биринчисида *совуқ* сўзига –роқ (озайтирма даража қўшимчаси) қўшилиши *совуқлик* даражасини камайтиради, шунга кўра, унда *совуқ* сўзидагидек қатъий ҳукм сезилмайди.

Сифатларнинг интензив шакллари ҳам услубий имкониятга эга. Чунки “Сифатларнинг ўзига хос морфологик белгиларидан яна бири унинг даража

категориясига ва даражани ифодаловчи грамматик формага эгалигидир”(1, 251).

Оқ пахталар очилибди, чакканга тақ, чакканга (кўшиқдан). Бизнес даладаги пахталар оппоқ очилибди.

Сифатларни нутқда услубий қўллашдан мақсад ифодани кучайтириш (таъсирчанликни ошириш)дан иборатдир. Бунинг учун кўп маъноли сифатлар танланади:

Форнинг ичи қоронги эканидан ҳеч нарса кўринмас эди. Ҳамроҳининг мақсади унга қоронги эди. Биринчи жумлада қоронги сўзи ўз генетик маъносида, шунга кўра, ҳолатни кўриш аъзоси орқали англаш мумкин, иккинчи мисолда эса қоронги сўзи кўчма маънода бўлгани боис кўриш аъзоси ёрдамида эмас, балки тасаввур этиб, англаш мумкин бўлган ҳолат ифода топган. – *Демак, нозик жой эди, Ҳомидбой (Абдулла Қодирий).* Юқоридаги жумлада нозик сўзи жой белгиси ифодасини беради. Буларда кўчим ўхшатиш асосида юзага чиққан. Зеро, ҳар қандай ўхшатиш услубий имкониятни юзага келтиради.

Сифат туркумидаги сўзлардан услубий мақсадда, асосан, куйидагича фойдаланилади.

1. Сўзларни такрор қўллаш: – *Олишишига менинг ҳаққим бор, – деди Бобур.*

– *Чунки бирда йиқилган бўлсам, бирда йиқитганман.*

– *Бу – рост, рост! – деди Махмудхон (“Юлдузли тунлар”, 233-б).*

– *Боланинг бори яхши, одоби ундан яхши (Мақол).*

– *Уятсизга менинг уйимдан ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим йўқ.. (“Ўткан кунлар”).*

2. Сифатлар синонимиясидан фойдаланилади: *У иш қоронғузор билан қўшилишиб кетгандек ва қоронғуликнинг қучоғига кира боргандек мевазорнинг ичкарасига юра борди (“Ўткан кунлар”).*

3. Синоним сифатлардан фойдаланилади, лекин синоним бўлиб келаётган кейинги сўзнинг маъно ифодаси эмоционал баҳо бўёғига кўра синонимдошиникидан кучли бўлади: *қувноқ – шўх; илиқ қариши олди – қизгин қариши олди.*

4. Мураккаб шаклли сифатлардан фойдаланилади. Бундай сифатлар икки ва ундан ортиқ белгини ифода этади: *тилладай сап-сарик хусайни узумлар қуёи нурида ялт-ялт товланади; Ақлли доно кишилар жамият кўркидир.*

5. Антоним сифатларни қўллаш. Бунда сифатларнинг жуфт шаклидан фойдаланилади, улар асосан антонимлардан ҳосил бўлади ва

умумлаштириш маъно ифодасини беради: яхши-ёмон (сўз); аччиқ-чучук (гап); юқори-қуйи (жой); паст-баланд (гап-сўз).

6. Такрорий сифатлар қўлланади. Улар миқдорий белги кўплигини билдиради, бунда белгини алоҳида таъкидлаш, кучайтириш сезилади. Сифат аниқлаб келган от ҳам шу маънога мос ҳолда кўплик шаклида бўлади: баланд-баланд иморатлар; ёш-ёш ўғил-қизлар; ширин-ширин қовун-тарвузлар.

7. Ранг билдирувчи ясама сифатлардан фойдаланилади. Бунда нарса белгисининг кучсизлик даражасини англамайди, балки белгининг сифат билдирган рангга, тусга яқинлиги, мойиллигини билдиради: кўкиш, кўкимтир; оқиш; оқ-сарик; қора қизил ва бошқалар.

Бадиий нутқда ва оддий сўзлашувда сифатлар гапда от ўрнида қўлланади, яъни от вазифасини бажариб келади. Бундай қўлланиш услубга кўра, муайян контекстда, нутқий жараёндагина бўлади: Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. Мазкур мақолда яхши, ёмон сифатлари ўз аташ маъносида қўлланган.

Яхшининг ёмонини қидирма, ёмоннинг яхшисини қидир. Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар (Мақол).

Кейин икки мақолда эса яхши, ёмон сифатлари от вазифасини бажариб келган ва отлар каби ким?, нима? сўроқларига жавоб беради. Сифатлар отлар каби ким? Нима? сўроқларига жавоб беришдан ташқари, отлар каби келишик кўшимчасини ҳам олади: Очни қўзгатма, тўқни қимирлатма (Мақол). Эгалик ва жўналиш келишиги кўшимчасини олади: Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, ёмонга яқин юрсанг балоси юқар (Мақол) ва б.

Демак, от ва сифат туркумидаги сўзлардан бадиий ва оддий сўзлашув нутқларида услубий фойдаланиш имкони мавжуд экан. Бунда нутқ таъсирчанлиги, эмоционаллиги ва баҳолаш маъно ифодаси юзага чиқар экан. Шунга кўра, таҳрир жараёнида, айниқса бадиий матнларни таҳрир қилишда ҳамда персонажга хос нутқ кўринишини юзага чиқаришда сўз туркумларининг услубий имкониятидан ўринли фойдаланилганликка алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Таҳрир билан шуғулланувчилар буни албатта назарда тутишлари шарт.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.
2. Тоҳиров З.Т. Таҳрир мантики. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 240 б.
3. Тоҳиров З.Т. Бадиий нутқ. – Т.: Фан ва технология, 2017. – 240 б.
4. Тоҳиров З. Бадиий асар тилини ўрганиш // Ўзбекистон матбуоти, 4-сон. 2015. – Б. 30 – 33.